

Ўзбектош ҚИЛИЧБЕК

Асқар Қиличев — 1986 йил 5 февралда Сирдарё вилояти Боёвут туманида туғилган. 2003 йил тумандаги 13-мактабни тамомлаган. Ҳозирда Тошкент Давлат Аграр университетининг 4-босқич талабаси. 2006 йил “Қувонч” номли ҳикоялар тўплами нашр этилган. Республика газета ва журналларида туркум ҳикоялари чоп қилинган.

КЕЧИККАН СЕВГИ

Ҳикоя

Ёркиной синфга йиғлаб кирди. Ғала-ғовур қилаётган ўттиз чоғли саккизинчи синф ўқувчилари бирдан жимиб қолди. Ёркиной ўтира солиб парта устига ёйилган китоб-дафтарига юзини босганча йиғидан қизарган кўзларини ҳаммадан беркитди.

Бироз ўтиб хонага ўқитувчимиз кириб келди. Унинг ҳам важоҳати ўзгарган, эшикни шахд билан ёпишидан недир кўнгилсизлик содир булгани сезилиб турарди.

Ёркиной билан ўқитувчимиз ҳалигина директор ўринбосарининг хонасига кириб кетишган, узункулоқ гапларга қараганда, Наврўз байрамига тайёргарлик кўриш учун чақиртирилган эдилар. Албатта, Ёркинойни чақиритишлари тайин эди — қадди расо, чехраси гўзал, майин-мулойим, ёкимли овоз соҳибаси Ёркинойсиз бизнинг лицейда бирон-бир тадбир ўтмасди.

— Туринг, Ёркиной!

Ўқитувчимиз ҳаммага сизлаб мурожаат қилар, жаҳли чикиб турган бўлса-да, бу гал ҳам Ёркинойга аввалги муносабатини ўзгартирмай гапирди. Ёркиной нам югурган узун-узун қайрилма киприкларини, бодом қовоқларини гулдор рўмолчаси билан артиб ўрнидан турди. Унинг чаросдек чакноқ кўзлари ерга қадалганди.

— Мени ер билан битта қилдингиз-ку! Бошқа синфнинг қизлари индамай кийиб кетяпти-ку?! Бир кунга киясиз... бир умр деётганимиз йўқ-ку?! Унақа байрам кўйлакни бозордан ҳам тополмайсиз... Сиз бўлса, ноз қиласиз?! Бировники деб бурнингизни жийирасиз... Ана дугонангиз Меҳрихон...

Тарбиячимиз шошиб гапирганидан “аччиқ қалампир” сўзлари бўғзига тикилиб қоларди. Меҳрихон деганлари лицейимизда кўзга кўринган, шайдолари кўп қизлардан эди.

— Ана Меҳрихон... нозланмай, ҳаммадан биринчи байрам кўйлакни кийиб чикди-ку?! Ё сизни ундан ортиқ ерингиз бор-ми?! Бойнинг қизи бўлсангиз ҳам майлийди... Ҳамма кийиб ташлаган дейсиз?! Балки ўшалар сиздан тоза юрар...

Буниси керагидан ортиқча эди. Ўғил бола бўла туриб бу гаплар менинг ҳам нафсониятимга тегди. Гапнинг бир учи ётоқхонада туришимизга бориб боғланар, тарбиячимизнинг гап оҳангида шундай шаъма сезилиб турарди.

Ёркиной синфда ўз обрўсига эга, эсли-хушли ботартиб қиз эди. У тарбиячи билан талашиб-тортишиб ҳамманинг диққатини бўлишни ўзига раво кўрмай, ихчам оқ сумкачасини билагига илди-да, китоб-дафтарини кучоқлаб шартта ташқарига чикди-кетди. Тарбиячимиз бир сўз демай қолди.

“Ўлгудай ўжар қиз... Эгилгиси келмайди.” Ҳаммага алоҳида-алоҳида топшириқ берилгач, тарбиячимиз журнал тўлдираётиб шундай деб тўлдиради. Унинг гапи биринчи партада ўтирганим учун менга эшитилди.

Эсимизни танигандан буён деярли ҳар йилги аҳвол такрорланганди. Наврўз келиши билан қизларимизни рақс тушиш, турли намойишлар кўрсатиш учун лицей тадбирларига, туман маданият саройига чақиришар ва ўша ернинг фондидаги миллий либосларни кийиб тайёргарлик қилишарди. Кўйлаги борлар ўзиникини, кўйлаги йўқлар фонддаги эски-тускиларни эгнига илишиб байрамни гулдек ўтказиб беришга мажбур эдилар.

Ўтган йили ҳам собиқ тарбиячимиз билан Ёркиной ўртасида худди шу оҳангда тортишув бўлиб ўтган, ўжар қиз ўз айтганидан қайтмай: бировларнинг атлас-адрасини киймаслик учун туман марказидаги байрамга катнашмай қўя қолганди.

Лицейдаги йигитларнинг барчаси Ёркиной исмини эшитганда бирдан сергак тортишар, лекин ҳеч бири юрак ютиб қизга яқинлашолмасди. Бунинг ўзимдан уч бош юқори акаларнинг сирли суҳбатларидан сезганман.

Синфдаги ўнта ўғил боладан фақат менгина ётоқхонада турардим. Шунданми, Ёркиной иккаламиз жуда иноқ эдик. Ҳатто, бир хонада тун ярмигача яширинча қолиб телевизион курсатувга биргалашиб хат ёзганмиз. Унинг ёзуви гўзал, бетакрор эди. У баъзи-баъзида жиғимга тегар, ҳар икки гапининг бирида жон олар табассум ҳадя этиб турарди.

Кейин билсам, ўша баъзи-баъзидаги илмоқли гаплари унда уйғонган тоза туйғуларининг тилига кўчгани экан. Мана орадан етти йилча вақт ўтиб, буларни ўзимча тушундим.

“Қандай завқли, сурурбахш дамлар эди-я?!”

Ўн биринчини битиргач, кўпчилигимиз турли ўқув юртлари томон йўл олдик. Зеро, лицейимизнинг обрўси шу билан баҳоланар эди-да! Биз беш йигит хужжат кўтариб пойтахт сари чопдик. Бешовимизнинг ичидан фақатгина менга омад кулиб, бўлажак шифокор номини олиш учун медицина академиясига ўқишга кирдим.

Мана, бешинчи босқичга ўтиб ушбу воқеаларни титилиб кетган хотира саҳифаларидан олиб, оппоқ қоғозларга бирма-бир тиклаб ўтирибман. Кеча бизни ўз вилоятимизга амалиёт ўташга жўнатишди. Мен тери касалликлари йуналиши билан вилоятимизнинг бош поликлиникасига бордим. Бекорчиликдан бери оқ иш бўлган, касаллик тарихлари таҳини варақлаб ўтирганимда, бирдан таниш фамилия-исмни учратдим.

“Меҳрихон!”

Ичимда аллақандай тотли илиқлик уйғонди. Биз билан параллел синфда ўқиган шайдоси кўп бу қиз ўз ҳисобим бўйича биринчи, танишлар ичидаги биринчи беморим бўлди. Мен ҳаётим мобайнида илк бор бир ишга чин дилдан киришдим. Териси кўрқинчли оқ доғлар билан қопланган

Меҳрихонни ўн учинчи шифохонадан топдим. Унинг лицейдан кейинги ҳаётини ипидан игнасиғача сўраб-суриштирдим. Зеро, бу ёш дўхтирларча қизиқиш, дарддорларга ғамхўрлик қилиш, қолаверса, бурчим деб билганимдан эди. Ундан ташқари, ўртамизда синфдошлик ришталари бор эди.

Меҳрихоннинг айтганларини икир-чикириғача тўлиқ ўрганиб, алоҳида дафтарга ёзиб бордим. (Дарвоқе, бизга шундай ўргатишган.) Шўрлик қизнинг қисқагина ҳаётидан шуни билдимки, тўй кунидан кейин шу — бўлмағур-ярамас хасталик юзага чиққан. Докторлик кўзи билан қараганда, ҳамма гап янги кийилган сеп либосларида эди.

— Чимилдиққа кирганимдан кейин баданим қичишадиган бўлди-қолди... Келин бўлиб тушган оилам сал ночорроқ... Келин кўйлак сал эскироқ эди-да... Ундан ташқари, вақтида бировларникини ҳам ирганмай кийиб кетаверганмиз.

Меҳрихоннинг бу иқрори ноўрин бўлиб, унинг хасталиги витамин етишмовчилигининг оддий кўриниши эди. Унинг тузалиши ҳақида мужмал фикрдан нарига ўтолмайман.

Келин кўйлак — барчага бирдек ёқимли эшитилувчи, энг покиза, оқ, оппоқ кўйлак тўғрисида ҳам ҳеч қандай қора фикр айтмоқчи эмасман.

Ижарадаги келин кўйлакни ҳеч қанақа қўлдан ўтмаган, ҳеч қандай кир-чир баданга тегмаган, мос ёки номос деб биров кийиб кўрмаган, деб ҳисоблаймиз, янги келиннинг оқдоғ касаллигини ҳам эсламаймиз-да, кўнгилга, нозик кўнгилга келамиз.

“Бировники”, “Қайтариб берамиз”, “Бир кунлик” каби сўзлар кўнгилга келса, уни кийишга қайси мағрур қизнинг кўнгли тортаркан?!

Меҳрихоннинг айбига иқроп бўлиши — ўзига бўлган ишончнинг камайганидан эмасми? Агар бу дардга Ёркиной чалинганда: “Мен бировларнинг кийимини ҳеч киймагандим-ку”, деб ўзига-ўзи савол берар ва Меҳрихонга ўхшаб “аввал бировларнинг кийимини кийганимдан ёки келин кўйлақдан касал юққан”, деб ўйламай касалликнинг асл моҳиятига эътибор берарди.

Ёркиной қадди каби ғурури тик қизларнинг энг гўзали, ҳа у ана шундай мағрур, эгилмас кўнгли, кўриниши ҳам ўта гўзал қиз эди. Ёркиной мана шу ўжарлиги, эгилмас-қайрилмаслиги учун лицейдаги манаман деган йигитларнинг юрагини олиб қўйганди. Мана, шунинг учун ҳам Ёркиной учала тарбиячимиз билан терс бўлди. Ва ниҳоят, мана шунинг учун ҳам Ёркинойни севиб қолдим. Худди, шунинг учун унинг уйига совчиларимни юборишга аҳд қилдим.

Фақат ва фақат шундай кишиларгина — ўзлигини топа олган, ўзлигини топган қизларгина севишга арзигулик!!! Севилиш бахтига фақат улар муносиб! Мана кўрасиз, қатъий ишонч билан айтаманки, Ёркиной тўйимизда ҳам ўзига хос ва мос кийиниб — келин, тенгсиз келин бўлади.

Охирги суҳбатимизда Меҳрихоннинг Ёркиной ҳақида айтган гаплари бошимга гурзи каби қарсиллаб урилиб, қўл-оёғимни қалтиратиб, ишққа лиммо-лим юрагимни зиркиратди.

“Ёрқиной лицейни тугатган йилиёқ эрга теккан... Ҳозир учта боласи бор. Бир ўғил, икки қиз.”

Хазонрезги хиёбоннинг узун йўлкаси бўйлаб ортини ўгириб кетаётган, ўғилчаси елкаси оша ҳайрат тўла мунчоқ кўзлари билан менга қараган, бир қизи қўлидан, иккинчиси узун этагидан ушлаб олган жувон кўз ўнгимда жонланди.

“Наҳот?.. Наҳотки, кўнглингнинг туб-тубида биргина қизга нисбатан уйғонган ўлмас севгингни англаб етиш учун беш йил керак бўлса?! — деди ичимдаги овоз. Кейин таскин бериш учун қўшиб қўйди. — Сенга энг яқин қиз ўша экан-а?! Бунини кечиккан севги, салгина кечиккан севги дейдилар!” Қанчалик ҳафсала ва меҳр билан битилган бўлса ҳамки, “У” ҳақидаги хотира дафтарчамни йиртиб ташладим.